

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИСМОИЛОВА ХУРШИДА ТОХИРОВНА**

**ТАБАҚАЛАШГАН ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАЛАБАЛАР  
МАЪНАВИЯТИНИ ДИАГНОСТИКА ҚИЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по педагогическим наукам**

**Contentus of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on pedagogical sciences**

**Исмоилова Хуршида Тохировна**

Табақалашган ёндашув асосида талабалар маънавиятини диагностика қилиш механизмларини такомиллаштириш..... 3

**Исмоилова Хуршида Тохировна**

Совершенствование механизма диагностирования духовности студентов на основе дифференциального подхода..... 23

**Ismoilova Hurshida Tokhirovna**

Complex approach to diagnostics of moral education of students..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 49

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИСМОИЛОВА ХУРШИДА ТОХИРОВНА**

**ТАБАҚАЛАШГАН ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАЛАБАЛАР  
МАЪНАВИЯТИНИ ДИАГНОСТИКА ҚИЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ҳазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Ped 559 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) веб-саҳифанинг ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) ва "Ziyounet" ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Эгамбердиева Нодира Мелибаевна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Хайдаров Мамат Эшқулович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Куронов Муҳаммаджон Куронович**  
педагогика фанлари доктори, профессор


**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.03/3C.01.2020.Ped.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил "10" шанба соат 9<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс (99871) 276-76-51; e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг ахборот-ресурс марказида танишил мумкин (1410 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс (99871) 276-76-51.

Диссертация автореферати 2021 йил "29" шанба кун тарқатилди  
(2021 йил "29" шанба даги 5 рақамли реестр баённомаси)

  
**Б.С.Абдуллаева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**Р.Г.Исенов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

**А.Н.Муслимов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнлари диагностика ва коррекциясини амалга оширишнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш, халқаро баҳолаш дастурларини кенг жорий этиш технологиялари таълим жараёнига татбиқ этилган. Шахснинг интеллектуал, руҳий ва маънавий ривожланиш жараёнларини тизимли таҳлил этишнинг диагностика воситаларини аниқлаш, XXI аср кўникмаларига мос баҳолаш мезонларини такомиллаштирилмоқда. Жумладан, ЮНЕСКОнинг таълим барча учун (Education For All (EFA) глобал ҳаракатининг “Минг йиллик ривожланиш мақсадлари (Millennium Development Goals (MDGs))” нафақат билим олиш ҳуқуқини кафолатлаш, балки шахснинг маънавий юксалашининг диагностика йўналишлари бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳоннинг етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида талабаларнинг академик ва этик талабларга аксиологик муносабатни қарор топтириш, табақалашган ёндашув асосида талабалар маънавияти универсал диагностика тизимини яратиш, таълимнинг байналминаллашув шароитида талабаларда ижтимоий мослашув, масъулият, толерантлик сифатларининг ривожланганлигини ташхис этиш технологиясини ишлаб чиқиш, талабаларда шахслараро ва умуммаданий компетентликни таркиб топтириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунингдек, касбий фаолиятга тайёргарликнинг диагностика механизмини такомиллаштириш, рефлексив ёндашув асосида талабаларнинг шахсий ва касбий юксалишининг маънавий-ахлоқий жиҳатларини такомиллаштириш, педагогик диагностика воситасида талабаларда деонтологик компетентликни ривожлантиришнинг самарали ўлчов, метод ва воситаларини ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикада табақалаштирилган ёндашув асосида талабалар маънавиятини диагностика қилиш механизмлари ва таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, ёшлар маънавияти ва маънавий компетентлигини ривожлантириш, уларда касбий фаолиятга қадриятли муносабатнинг таркиб топганлигини ташхис этиш механизмларини янада такомиллаштиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилди ва моддий-техник базаси бойитилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий-нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш каби устувор вазифалар белгилаб берилди”<sup>1</sup>. Бу эса, табақалашган ёндашув асосида талабаларнинг маънавиятини диагностика қилиш механизмларини такомиллаштиришнинг педагогик имкониятларини кенгайтирилди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - Т., 2017. 6-сон. 70-модда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” фармонлари, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2020 йил 27 февралдаги ПҚ-4623-сон “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолият соҳасига оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамиз олимларидан Ф.Бабашев, Г.Ибрагимова, Б.Йўлдошева, Г.Махмутова, М.Нурматова, О.Мусурмонова, У.Маҳкамов, Ш.Олимов, М.Пазилова, Р.Рустамова, З.Салиева, Ж.Тошматова, Ш.Тайлақова, И.Хушмуродова, Ш.Халилова, С.Чинниева, Н.Эгамбердиева, Х.Юсупова, Ў.Ўтанов, М.Қурононов, Д.Қосимова, К.Қиличевалар ёшларни ахлоқий тарбиялаш, маънавий ривожлантириш, шахс маънавиятини шакллантиришнинг педагогик асослари, маънавий эҳтиёжлар, ёшларда ахлоқий-эстетик идеалларини таркиб топтириш каби қатор муҳим масалаларини тадқиқ этган. Д.Анварова, З.Арипова, М.Маматовлар шахснинг маънавий ривожланишининг педагогик-психологик хусусиятлари ва диагностикаси муаммоларини ҳамда З.Аҳмедова, Т.Комилова, У.Муҳаммадиев, Г.Туленова, М.Қаххоровалар маънавиятнинг шаклланишида миллий ва диний қадриятларнинг ўрни масалаларини тадқиқ этган. Ўқув, таълимий ва тарбиявий жараёнлар диагностикаси муаммолари З.Азимова, М.Ахмеджанов, Ш.Абдуллаева, Д.Химматалиевлар табақалашган ёндашув асослари Б.Мадаминонов, М.Ниғматовлар томонидан тадқиқ этилган.

МДХ мамлакатларидан Х.Валиахметов, А.Горбачев, Т.Горбачева, М.Боброва, В.Душко, Н.Джегутанова, А.Замислова, Е.Леонова, А.Нестенов, Д.Самогаевлар шахс маънавий-ахлоқий ривожланишининг мазмун-моҳияти, маънавий ривожланишда психологик шарт-шароитлари, интегратив ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларни ахлоқий ривожлантириш, ўсмирларда маънавий ривожланишига таъсир этувчи омиллар юзасидан илмий-тадқиқотлар олиб боришган.

Хорижлик олимлардан A.W.Braam, J.D.Henson, J.Leppink, C.J.Roseth, G.Smeeton, P.Stonecipher, D.R.Tillman, M.S.Wynder, S.D.Wykes маънавиятни ривожлантиришнинг диагностикаси мониторингини татбиқ этишган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Талабалар маънавиятини диагностика қилиш механизмларини такомиллаштириш” мавзуси доирасида бажарилган (2017-2020 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** табақалаштирилган ёндашув асосида талабалар маънавиятини диагностика қилишнинг механизмларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

табақалашган ёндашув асосида талабалар маънавиятини педагогик диагностика қилиш механизмларининг имкониятларини таҳлил этиш;

талабаларнинг маънавий-ахлоқий қадриятлари тизимини диагностика қилишга йўналтирилган шахс акмеологик позициясининг интерналлик даражасини такомиллаштириш;

табақалашган ёндашув асосида талабалар маънавиятини диагностика қилиш моделини такомиллаштириш;

табақалашган ёндашув асосида талабалар маънавиятини диагностика қилиш механизминини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** табақалашган ёндашув асосида талабалар маънавиятини диагностика қилиш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Андижон давлат университети, Самарқанд давлат университети ва Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетларининг 360 нафар талабалари жалб этилган.

**Тадқиқот предмети** табақалашган ёндашув асосида талабалар маънавиятини диагностика қилишнинг механизмларини такомиллаштириш шакл, метод ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари** тадқиқот жараёнида педагогик-психологик адабиётларни ўрганиш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш, кузатув, суҳбат, сўровнома, тест, моделлаштириш, диагностика методлари, математик-статистик таҳлил усуллари қўлланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

маънавий етукликка таъсир этувчи объектив ва субъектив компонентлар маънавий тарбия тизими объектларини ахборот-коммуникацион, илмий, тарбиявий, когнитив, коррекцион, ижтимоий, психологик, маданий, эстетик динамикаси намоён бўлиши барқарорлигини диагностика қилиш асосида такомиллаштирилган;

маънавий-ахлоқий қадриятлар диагностика жараёнлари талабаларда ижтимоий фаолликни белгилаб берувчи шахс интегрatív хоссалари ҳамда педагогик корреляция, интуитив таҳлил, анъанавий ва ноанъанавий дидактик имкониятлари мазмунини коррекцион тренинглари ўтказиш асосида такомиллаштирилган;

талабалар маънавиятини диагностика қилиш ва коррекциялаш модели коррекцион фаолият жараёнида мустаҳкамлаш ва инновацион педагогик таъсир ва педагогик муаммоларнинг самарали ечимини шахсга, фаолиятга йўналтириш асосида такомиллаштирилган;

талабалар маънавиятини диагностика қилиш механизми маънавий бўшлиқларни аниқлаш, тарбия усулларини коррекцион фаолиятнинг ҳиссий-иродавийлик босқичига бевосита йўналтиришда табақалашган ёндашувни адаптив жорий этиш натижавийлигини ҳисобга олиш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

табақалашган ёндашув асосида талабалар маънавиятини диагностика қилишнинг мезонлари такомиллаштирилган;

талабалар маънавиятини диагностика қилиш ва коррекциялаш модели такомиллаштирилган;

табақалашган ёндашув асосида талабалар маънавиятини диагностика қилиш ва ривожлантириш бўйича коррекцион тренинглари ишлаб чиқилган;

табақалашган ёндашув асосида талабалар маънавиятини диагностика қилиш механизмларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот методологик базасининг таъминланганлиги, расмий манбалардан олинган назарий ва амалий маълумотлардан фойдаланилганлиги, олинган эмпирик миқдорларнинг математик статистиканинг ишончли усуллари ёрдамида таҳлил қилинганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади. Натижалар математик статистика методларини самарали қўллаш имконини берадиган SPSS-18 дастури (ижтимоий фанларда олинган ахборотни қайта ишлаш компьютер иловаси) воситасида қайта ишланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти талабалар маънавиятини диагностика қилишга доир назарий ёндашувларнинг таҳлил қилинганлиги, талабалар маънавиятини ривожлантирувчи яхлитлик, маданиятга мувофиқлик, табақалашган ва индивидуаллашган, фаолиятли, технологик, инсонпарварлик, кадриятга йўналганлилик каби дидактик ёндашув тамойиллари аниқлаштирилганлиги, талабалар маънавиятини диагностика қилиш механизмини такомиллаштиришда табақалашган ёндашувга оид илмий тавсиялар ишлаб чиқилганлиги, олий таълимда талабалар маънавиятини диагностика қилиш имкониятларининг ёритилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти талабалар маънавиятини диагностика қилиш жараёнининг лойиҳалаштирилган модели, диагностика шакли ишлаб чиқилгани, маънавий-ахлоқий сифатларни баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари аниқлаштирилгани билан белгиланади. Талабалар маънавиятини диагностика қилиш механизмларини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан олий таълимда, малака ошириш курсларида, шунингдек бўлажак педагог кадрлар фаолияти самарадорлигини оширишда фойдаланса бўлади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Табақалашган ёндашув асосида талабалар маънавиятини диагностика қилиш механизмларини такомиллаштиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

табақалашган ёндашув асосида бўлажак ўқитувчилар маънавий етукликка таъсир этувчи объектив ва субъектив компонентлар (аксиологик, феноменологик, мобиллик) маънавиятини диагностика қилишнинг



интеллектуал хиссий-иродавий ва мустақил фаолиятини ҳамда касбий сифат самарадорлигига таъсир этувчи амалий ижтимоийлашган реал ҳаётий муҳитни ташкил қилишга доир таклифлари педагогика ва психология бакалавриат таълим йўналиши Давлат таълим стандартлари мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 июлдаги 89-03-2591-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак ўқитувчиларда маънавий-ахлоқий компетенциялар тизими ривожлантирилган;

талабалар маънавий-ахлоқий қадриятлар диагностикаси жараёнларида уларнинг ижтимоий фаолликни белгилаб берувчи шахс акмеологик позицияси интегратив хоссаларининг дидактик имкониятлари мазмунини ифодаловчи инновацион таълим муҳитини такомиллаштириш модели, универсал идиомалар, фразеологизмлар, мақоллар ва маталлар асосида махсус ташхис методикасини коррекцион фаолият жараёнида тизимли қўллашга доир амалий таклиф ва тавсиялардан №ИТД-4-122 “Юксак маънавиятли шахсни шакллантириш тарбия технологиясини ишлаб чиқиш” (2009-2011 йй.) амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 26 октябрдаги 89-03-4204-сон маълумотномаси). Натижада, юксак маънавиятли шахсни шакллантиришнинг қадриятли босқич мазмунини ишлаб чиқиш ва маънавиятини ташхис этишнинг локал-модулли технологиясини такомиллаштиришга эришилган;

табақалашган ёндашув асосида талабалар маънавиятини диагностика қилиш механизми маънавий бўшлиқларни аниқлаш, тарбия усулларини коррекцион фаолиятнинг хиссий-иродавийлик (аутопсихологик, суггестив, рефлексив) босқичига бевосита йўналтиришда табақалашган ёндашувни адаптив жорий этиш натижавийлигини ҳисобга олиш асосида такомиллаштириш, SPSS-18 дастури (ижтимоий фанларда олинган ахборотни қайта ишлаш компьютер иловаси) воситасида маънавий бўшлиқларни тезкор аниқлаш, таъсирчан тарбия усулларини коррекцион фаолиятга йўналтиришга доир амалий таклифларидан ОТ-Ф1-36 “Талабалар маънавиятини диагностика қилиш механизмларини такомиллаштириш” (2017-2020 йй.) лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 26 октябрдаги 89-03-4204-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларнинг маънавиятини диагностика қилиш методикаси самарадорлигини оширишга кўмаклашган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола (4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда) нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 126 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, диссертация ҳажми, шуниндек, диссертация мавзуси бўйича илмий-тадқиқотларга оид маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Талабалар маънавиятини диагностика қилишнинг назарий-методологик асослари”** деб номланиб, унда талабалар маънавиятини диагностика қилиш ижтимоий-педагогик, касбий зарурият сифатида, бўлажак ўқитувчилар маънавиятни диагностика қилишнинг мақсад вазифалари ҳамда амалдаги ҳолати таҳлили, шунингдек, талабалар маънавиятини диагностика қилишнинг педагогик-психологик хусусиятлари ва бу жараёнда қўлланиладиган методикалар таҳлил қилинган.

Маънавият билан боғлиқ миллий кадриятларни талабалар маънавий-ахлоқий тарбиясида уйғунлашган ҳолда амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Маънавият маълум фазилатлар йиғиндиси ҳисобланиб, ушбу фазилатлар инсонга ички гўзаллик, маънавий поклик бағишлайди, кишининг кадр-қимматини оширади. У инсоният томонидан яратилган маънавий тараққиёт маҳсулидир. Сўз билан хатти-ҳаракатнинг тўғри келиши, ҳамкасбларга, ота-онага очиқ кўнгил ва самимий муносабатда бўлиш маънавиятнинг белгисидир. Шунингдек, талабанинг идроклилиги, виждони ва вазифаларига онгли равишда бажаришида намоён бўлса, унинг маънавий камолоти ҳам ўз-ўзини тарбиялашга йўналтирилиб борилади. Шахс хатти-ҳаракатларида маънавият турли вазиятларда ўзини маънавий жиҳатдан қандай тутишида, яъни маърифатли, тарбияли, ўз соғлигига қайғурадиган, чинакам зиёли мутахассис бўлиб етишишни мақсад қилиб қўйган, маънавий бойликларни яратишда, самарали фаолият олиб боришда, тайёрликка устуворлик беришида намоён бўлади.

Педагогик диагностика эса, индивидуал таълим жараёнини қулайлаштириш, жамият талабидан келиб чиққан ҳолда, тарбия натижаларни тўғри аниқлашни, таъминлаш, кафолатлаш, ўзига хос мақсадларни оқилона танлашга ёрдам бериб, маънавий-маърифий жараённи таҳлил қилиш ва таълим-тарбия натижаларини аниқлаш имконини беради.

М.Х.Тохтаходжаеванинг таъкидлашича, “диагностика – педагогиканинг бўлими бўлиб, таълим-тарбия жараёнларининг мақсади, мазмуни, усуллари, воситалари, натижаларининг сифати ва самарадорлигини, педагогик ходимларнинг касбий тайёргарликлари, билим, кўникма, малака ва маҳоратларини, ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштиришлари ва тарбияланганлик даражаларини ҳар томонлама ўрганиш, таҳлил қилиш асосида хулосалар чиқариш, баҳолаш ва янада такомиллаштириш юзасидан тавсиялар бериш билан шуғулланади”. Э.Юзликаева томонидан, бўлажак ўқитувчиларда

диагностик фаолият таълим сифатини оширишнинг диагностик методлари уч гуруҳга ажратилган; психологик диагностикада: аниқлаштирадиган тестлар, сўровномалар, анкета, лойиҳавий техника, психофизиологик методикалар, илмий қайта ишлаш методлари; психология, педагогик диагностикада: кузатувлар, суҳбат, таҳлил; педагогик диагностика муҳим омил эканлигини ўрганган. М.Ахмеджанов эса, “педагогни касбий фаолиятга тайёргарлигини диагностикасига бағишланган илмий-тадқиқот ишида илк бор педагогик диагностика қилишда контент-таҳлил методларининг махсус талабларини ишлаб чиққан ва аниқлаштирган. Шу билан бирга, контент-таҳлил методларини бошқа методлар билан уйғунлаштириш” мумкинлигини ўрганган. З.Азимованинг фикрича, “айрим талабалар орасида маънавий чекланганлик, дунёқарашнинг торлиги туфайли ёт ғояларга алданиш, миллий одоб меъёрларига риоя қилмаслик, сўз ва иш орасидаги тафовут, миллий ғурурнинг сустиги каби нохуш кўринишлар учраб турадики, уларни илмий асосда ўрганиб, бартараф қилиш” лозим.

Таълим-тарбия жараёнида эгалланган билим ва малакани аниқлашга қаратилган педагогик диагностика ўзига хос жараён бўлиб, у диагностик фаолиятни ўзаро таққослаш, педагогик таҳлил қилиш, башоратлаш, интерпретация, турли диагностик методларни талабаларга етказиш ҳамда методларни тўғри танлай олиш каби жиҳатларни ўзида мужассам этиб ҳаққонийлик, ишонччилик, пухталиқ каби диагностиканинг асосий мезонлари ҳисобланади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Табақалаштирилган ёндашув асосида талабалар маънавиятини диагностика қилиш мазмуни, моҳияти ва лингвопсихологик имкониятлари”** деб номланиб, унда талабалар маънавиятини диагностика қилиш, механизмини такомиллаштиришда табақалаштирилган ёндашувнинг педагогик имкониятлари, бўлажак ўқитувчиларнинг маънавиятини диагностика қилиш натижасида аниқланган бўшлиқлар таҳлили келтирилган. Талабалар маънавиятини диагностика қилиш натижасида аниқланган бўшлиқларни коррекциялаш жараёни мазмуни ёритилган.

Талабаларда соғлом маънавий муҳит ҳамда маънавий-ахлоқий қадриятлар шаклланганлиги ва улар ўтайдиган вазифаларни ўрганиш методикаси апробациядан ўтказилдики, бунда талабалар маънавиятини диагностика қилиш асосий вазифа ҳисобланади. Ушбу вазифани ҳал қилишда, талабалар маънавиятини диагностика қилиш ва ривожлантиришга таъсир этувчи объектив ва субъектив омилларни тизимли таҳлил (прогностик, лингвопсихологик, аксиологик, феноменологик, аналитик) қилиш асосида такомиллаштириш зарур. Бу жараён, ўзига хос мураккабликларга эга бўлиб, методикани такомиллаштириш ва SPSS-18 дастури воситасида талабалар маънавиятини диагностика қилишда ижтимоий маълумотларнинг аксиологик жиҳатларини таҳлил (коэффициенти, корреляцион алоқаларини ифодалаш, факторли ва жуфт муносабатлар қиёсий таҳлил) қилишга асосланади.

**Табақалашган ёндашув** бу – тарбиянинг асоси бўлиб, талабанинг индивидуал педагогик-психологик хусусиятларини ўрганиш ҳамда олинган натижалар асосида тарбия усулини танлашдан иборат. Талабалар маънавиятини

диагностика қилишда табақалашган ёндашув қайта алоқа, тезкор равишда тарбия жараёнининг жорий натижаларини узлуксиз кузатишни, ташхислашни ва тезкор баҳолашни, таҳлил қилиш ва мақбул хулосаларни қабул қилишни таъминлайди.


Талабалар маънавиятини ривожлантириш жараёнларининг кўп омиллилиги унда самарадорликка эришиш педагогик моделларни асослаш, ишлаб чиқиш ва амалга оширишни муҳимлаштиради. Таълим ва тарбия соҳасида мутахассис тайёрлаш жараёнини яхлит илмий тизим сифатида ўрганишда моделлаштириш муҳим ўрин тутди. Моделлаштириш тадқиқотчилик фаолиятининг якуни сифатида назарий хулоса ва ғояларни бир тизим кўринишига келтириб (намуна) унинг муайян хусусиятларини, бошқа, ҳақиқий деб юритилувчи тизим билан алоқасини акс эттиради.

Шунингдек, моделлаштириш тизимнинг энг муҳим ва энг устувор элементларини фарқлаш малакаси ҳисобланиб, моделлар имкон қадар содда бўлиши, бироқ талабалар маънавиятини диагностика қилиш ва коррекциялашда энг муҳим функцияларни ҳамда модел ичидаги ва ташқи тизимлараро аҳамиятли алоқаларни ўзида акс эттирган бўлиши керак. Шу мақсадда, табақалашган ва индивидуллаштирилган ёндашув принципига устуворлик бериш асосида талабалар маънавиятини диагностика қилиш ва коррекциялашнинг мезонлари, мазмуни ҳамда ҳар бир босқичининг натижаларини ойдинлаштиришга қаратилган лойиҳавий модели ишлаб чиқилди (1-расм).

Ушбу моделда маънавий-ахлоқий ривожлантиришнинг методологик асоси ва замонавий шарт-шароитлари ўрганилди. Талабалар маънавиятини диагностика қилишда яхлитлилик, маданиятга мувофиқлик, табақалашган ва индивидуаллашган ёндашув, фаолиятли ёндашув, технологик ёндашув, инсонпарварлик ёндашув, кадриятли йўналганлик тамойилларига асосланилди.

Моделни амалга ошириш жараёнида дастлабки диагностика ва коррекцион фаолият босқичма-босқич лойиҳаланди.

Шунингдек, халқ оғзаки ижодининг нодир намуналари: эртақлар, дostonлар, топишмоқ ва мақоллар маънавият тарбиясида муҳим рол ўйнашини ҳисобга олиб, таълим-тарбия жараёнида улардан кенг фойдаланиш билан бирга, талабалар маънавиятини диагностика қилишда ҳам уларнинг имкониятларидан фойдаланиш мумкин. Айнан мазкур муаммо ҳар бир маданият ва миллат доирасида қўлланилиши мақсадга мувофиқ бўладиган янги диагностика методикалардан фойдаланиш заруриятини туғдиради. Маънавият диагностикасига оид тадқиқий усул ва услубларни хориж амалиётидан таржима қилиш орқали эмас, маданиятимиз ва тилимизга мувофиқ методикалардан фойдаланиш ҳамда ахлоқий кадриятларни ўрганишга мўлжалланган тестлар имкон қадар “ижтимоий маъқулланганлик” ҳодисаси таъсирига дуч келмаслиги учун халқ оғзаки ижодиёти маҳсулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу вазифани бажариш учун биз ўзбек, миллатининг халқ оғзаки ижодиёти ҳосиласи бўлган мақоллардан фойдаланишга қарор қилдик.



1-расм. Табақалашган ёндашув асосида талабалар маънавиятини диагностика қилиш ва коррекциялаш модели

Диагностик тадқиқотнинг бирламчи материали сифатида мақоллардан фойдаланишнинг афзалликлари қуйидагиларда ўз ифодасини топади.

1. Мақоллар универсалдир. Респондентлар томонидан алоҳида мақолларни баҳолаш орқали гуруҳий ва ижтимоий онгнинг турли қирраларини кашф этиш мумкин, нафақат этник ёки маданий, балки сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ахлоқий кадриятларга оид фаолиятга тайёрлик.

2. Мақол – образларда ўз ифодасини топган стереотипдир (қолип). Бироқ мақол тафаккур қолипи сифатида идрок этилмайди, шунинг учун ҳам мақоллар негизда яратилган методика “ижтимоий маъқулланиш хоҳиши” эффектини кескин пасайтиради, чунки замонавий институционал меъёр тарихий сайқалланган оғзаки жанрнинг метафорик тўқимаси ортида кўзга ташланмайди.

Тадқиқот жараёнида психолог-олим Б.Ботиров томонидан ахлоқий хулқ-атворнинг турли жиҳатларини қамраб олган 14 та мақол асосида яратилган “Ахлоқий кадриятларнинг шаклланганлиги ва улар ўтайдиган функцияларни ўрганиш” методикаси (Б.Ботиров)дан фойдаланилди. Мазкур мақоллар ва уларда ўз ифодасини топган ахлоқий кадриятлар мазмуни қуйидаги жадвалда келтирилган. (1-жадвал)

#### 1-жадвал

#### “Ахлоқий кадриятларнинг шаклланганлиги ва улар ўтайдиган функцияларни ўрганиш” методикаси

№	Мақоллар ва уларга оид таъкидлар	Таъкид валентлиги	
		Ахлоққа зид жиҳатлар	Ахлоқийлик жиҳатлари
1	Мен билан тегишишса шунга яраша жавоб қайтараман, кечириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, чунки “Индамасни ит қопар”.	Агрессивлик	Ҳотиржамлик
2	Бугунги кунда нафақат бегоналарга, ҳатто ўзингниикиларга ҳам бирон нима илиниб бўлмайди “Жиян-тоға эл бўлмас” гапи мутлақо тўғри.	Оқибатсизлик	Яқин инсонларига меҳрибонлик
3	“Бедавлат бўлганинда, қариндошлар ғаш бўлар, Бадавлат бўлганинда, бегона ҳам дўст бўлар.”	Моддият-парастлик	Маънавиятга ишонч
4	Ҳаётдан ҳафсаласи пир бўлиб тушқунликка тушганларга “ҳаётни севгин” деб ўтирмайман, зотан “Кулдан тепа бўлмас, қумдан- қўрғон”.	Қаҳри қаттиқлик	Инсонпарварлик
5	Ҳозирги замонда қай йўл билан тирикчилик қилинмасин – бўлаверади, “Эплаган қандини урсин”.	Ҳаром йўллардан қайтмаслик	Ҳаромдан ҳазар қилиш
6	“Мулла ҳолвани кўрса, қуръонни унутар”.	Адолатга ишонмаслик	Адолатга ишонч
7	Тирикчилик айб эмас “Оқар сувнинг ҳароми йўқ”.	Ҳаромдан қўрқмаслик	Ҳалоллик
8	Бугунги кунда рост гапириб ёмон	Ёлғондан	Ростгўйлик

	кўринишинг мумкин, чунки “Тўғри гап тукқанинга ёқмайди”.	кўрқмаслик	
9	Бировга берилган ваъда устида кўп бош котиришинг ҳожати йўқ “Жар йўл бўлмас, бегона эл бўлмас”.	Ваъдага ҳиёнат ва одам ажратиш	Ваъдага вафо қилиш ва одам ажратмаслик
10	Одамлар яхшилиқни билмаслиги ҳақ гап “Савобнинг таги тешик”.	Ноумидлик	Одамларга ишонч
11	Баъзи мақоллар эскирган. Масалан, “Туртиб ўтма- суяб ўт”.	Бировга куймаслик	Ҳамдардлик
12	Ахлоқ тушунчаси жуда нисбийдир.	Ахлоқни тушунмаслик	Ахлоқийлик
13	Ҳозир андиша қиладиган замон эмас, чунки “Андишанинг отини кўрқок” дейдилар.	Андишасизлик	Андишали
14	Одамларнинг оғзига қараб яшаб бўлмайди: “Кипригим кўзимники - нима қилсам ўзимники”	Индивидуализм	Жамога суяниш

Дастлаб мақолларнинг ўзини тақдим этмоқчи бўлган эдик, бироқ пилотаж сўров давомида кўпчилик респондентларда мақоллар мазмунини тушунишга қийинчилик юзага келаётганининг гувоҳи бўлдик. Мазкур англанилмовчиликнинг олдини олиш мақсадида ҳар бир мақолни беришдан олдин қисқача тушуниш имконини оширадиган, фикр мазмунини белгилайдиган изоҳ кўринишидаги қўшимчалардан фойдаландик.

Ўтказилган методиканинг фарқли жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

1. Танланган гуруҳлар ўртасидаги маънавий-ахлоқий қарашлар ўрганилди ҳамда натижалар факторли ва ўзаро қиёсий таҳлил қилинди.

2. Методика асосида янги тузилган шкала ишончлилигининг текширилди.

Синов жараёнида олинган дастлабки ахборот SPSS-18 (ижтимоий фанларда олинган ахборотни қайта ишлашга компьютер иловаси) дастури ёрдамида қайта ишланди (2-жадвал).

Тадқиқот давомида олинган натижалар қуйидаги жадвалда ўз ифодасини топган:

Биз тадқиқот давомида олинган дастлабки маълумотларни махсус статистик муолажа берилган ахборотни муайян даражада содалаштириш имконини берадиган факторли таҳлил ёрдамида қайта ишладик. Мазкур статистик муолажа ёшларнинг қадриятларга оид ментал маконидаги манзарани акс эттиришга хизмат қилади.

Факторли таҳлил ёшларнинг ахлоқий хулқдан чекиниш ва ушбу чекинишлар нима мақсадда амалга оширилаётганини, яъни уларнинг ҳимоявий функцияларини аниқлаш имконини яратди.

Талабалар маънавиятини диагностика қилишда ўзаро тўрт факторли шкалалашни саволнома ёрдамида ўрганиш мумкин. “Факторли таҳлил ёрдамида статистик маълумотларни шкалалар ва фактор унинг таркибига кирган шкалалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда мазмуни акс этади” (Nagi B.S., Khan A.M). Факторли таҳлил ёшларнинг маънавий-ахлоқий қадриятларга оид ментал тузилмасининг ҳолатини беради. Диагностиканинг дастлабки жараёнида олинган маълумотлар SPSS-18 ёрдамида таҳлил қилинди.

## Факторли таҳлил натижалари

Таъкидлар	Факторлар		
	1-Ўзини-ўзи экистенциал ҳимоялаш	2-индивидуализм- моддийат	3-оқибатсизлик
Бировга берилган ваъда устида кўп бош қотиришнинг ҳожати йўқ “жар йўл бўлмас, бегона эл бўлмас”	,765		
Ҳозирги замонда қай йўл билан тирикчилик қилинмасин - бўлаверади: “эплаган қандини урсин”	,750		
“Мулла ҳолвани кўрса, Қуръонни унутар”	,709		
Ҳозир андиша қиладиган замон эмас, чунки “андишанинг отини кўрқок” дейдилар	,574		
Бадавлатлик бўлгандан сўнг, бегоналар дўст бўлар (бойиганингдан кейин етти ёт бегоналар ҳам сенга дўстингман деб иддао қилади).		,835	
Одамларнинг оғзига қараб яшаб бўлмайди: “кипригим кўзимники- нима қилсам ўзимники”		,684	
Бугунги кунда нафақат бегоналарга, ҳатто ўзингникиларга ҳам бирон нима илиниб бўлмайди: “жиян-тоға эл бўлмас”			,746
Одамлар яхшилиқни билмаслиги ҳақ гап: савобнинг таги тешик			,668
“Туртиб ўтма - суяб ўт” мақоли эскирган			,632

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, тадқиқот натижалари ёшлар шундай хулқни намоён этишади дегани эмас, балки шу каби мезонлар уларнинг ахлоқий хулққа оид қарашларини шакллантириши мумкинлигини билдиради. Яъни ёшлар томонидан жамиятда вужудга келаётган ўзгаришлар ижтимоий меъёрларни шу тарзда қайта ишланаётганини ифодалайди.

Табақалашган ёндшув асосида талабалар маънавиятини диагностика қилиш ижтимоий маълумотларнинг аксиологик жиҳатларини таҳлил қилиш (корреляцион алоқаларнинг ифодаланиши, факторли ва жуфт муносабатлар қиёсий таҳлил), ёшларнинг ахлоқий хулқдан чекиниш ва ушбу чекинишлар нима мақсадда амалга оширилаётганини, яъни уларнинг ҳимоявий функцияларини аниқлаш имконини яратди (3-жадвал).

Тарбиявий-коррекцион фаолият мақсадга мувофиқ равишда умумпедагогик методлар билан бир қаторда, махсус тарбия методлари, хусусан, психокоррекцион методларни танлаш ва улардан фойдаланиш кетма-кетлигини оптималлаштириш орқали амалга оширилди. Педагогик-психологик коррекцион ишлар талаба-ёшлар ахлоқий кадриятларга зид хулқ-атвор даражасини адаптив хулқ-атворни ўзлаштириш йўли билан пасайтиришга қаратилган.



## Факторли таҳлил натижалари

СамДУ va АДУ Group Statistics	Факторлар	объект	Mean	Std. Deviation	t
	Ўзини-ўзи экзистенциал ҳимоялаш	СамДУ	3,0370	,70019	1,952*
		АДУ	2,8213	,97251	
	Индивидуализм-моддият	СамДУ	4,3506	,82289	,625
		АДУ	4,2766	,95869	
	Меҳр – оқибатлилик	СамДУ	3,1444	,78195	,302
		АДУ	3,1117	,84052	
*p≤0.05					
СамДУ va ЎТАУ Group Statistics	Факторлар	худуд	Mean	Std. Deviation	t
	Ўзини-ўзи экзистенциал ҳимоялаш	СамДУ	3,0370	,70019	5,037***
		ТошДЎТАУ	2,5885	,72650	
	Индивидуализм-моддият	СамДУ	4,3506	,82289	1,579
		ТошДЎТАУ	4,1803	,90621	
	Меҳр – оқибатлилик	СамДУ	3,1444	,78195	,567
		ТошДЎТАУ	3,0861	,85084	
***p≤0.000					
АДУ va ЎТАУ Group Statistics	Факторлар	Худуд	Mean	Std. Deviation	t
	Ўзини-ўзи экзистенциал ҳимоялаш	АДУ	2,8213	,97251	2,013*
		ТошДЎТАУ	2,5885	,72650	
	Индивидуализм-моддият	АДУ	4,2766	,95869	,755
		ТошДЎТАУ	4,1803	,90621	
	Меҳр – оқибатлилик	АДУ	3,1117	,84052	,221
		ТошДЎТАУ	3,0861	,85084	
*p≤0.05					

Талабалар маънавиятини коррекция қилиш эмоционал-иродавий қобилиятларни аутопсихологик ривожлантиришга устуворлик бериш асосида амалда такомиллаштирилади: аутокогнитив қобилиятини ривожлантириш. Шахсда маънавий-ахлоқий билимлар (аутобилимлар)ни ривожлантириш ҳамда ахлоққа зид хулқ-атвор деструктив характерга эга эканлигини талаба томонидан англаб етишга кўмаклашиш. Талабада ўз эмоциясини тўғри намоён қила билиш ва агрессив реакцияларини жиловлай олишга қаратилган аутопсихологик билимларни хосил қилиш. Талабаларнинг аутопсихологик ҳолат эса: шахслараро низоларни конструктив ҳал этиш, рефлексия, идентификация, интериоризацияга, ўзининг қарашлари, хулқ-атворини коррекция қилиш каби установакаларини эгаллик қобилияти.

**“Табақалашган ёндашув асосида бўлажак ўқитувчилар маънавиятини диагностика қилишнинг такомиллаштирилган механизми самарадорлиги”** деб номланган учинчи бобда табақалашган ёндашув асосида бўлажак ўқитувчилар маънавиятини диагностика қилиш механизмлари такомиллаштирилган тажриба-синов ишларини ташкил этиш ҳамда таҳлили ва статистик таҳлили натижалари келтирилган.

## 4-жадвал

## Талабалар маънавиятининг ривожланганлилик даражаси кўрсаткичлари

№		АДУ(110)				СамДУ(122)				Тош ДўТАУ(128)			
		Тажриба-дан олдин %		Тажриба-дан сўнг %		Тажриба-дан олдин %		Тажриба-дан сўнг %		Тажриба-дан олдин %		Тажриба-дан сўнг %	
		Назорат гуруҳи	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи	Тажриба гуруҳи
1	Адолатга ишонч	36	37	34	72	22	23	34	62	55	51	55	78
2	Дунё фуқароси	31	32	23	22	38	35	27	29	53	50	39	32
3	Миллатлараро бағрикенглик	44	42	45	65	37	34	40	72	43	40	44	88
4	Индивидуализм	42	38	28	32	46	45	33	26	50	42	21	25
5	Харом билан ҳалолни фарқлаш	36	38	46	70	35	35	47	70	47	49	51	72
6	Ўз-ўзини экзистенциал ҳимоялаш	50	45	34	28	54	52	41	30	42	39	38	28
7	Ватанпарварлик	51	49	53	89	38	36	50	82	53	53	54	87
8.	Меҳр - оқибатлилик	44	44	49	72	50	47	51	79	47	44	52	74
9.	Жамога суяниш	42	41	54	74	41	39	45	68	37	37	41	68
	Жами:	<b>376</b>	<b>366</b>	<b>366</b>	<b>524</b>	<b>361</b>	<b>346</b>	<b>368</b>	<b>518</b>	<b>427</b>	<b>405</b>	<b>395</b>	<b>552</b>
	Ўртачаси:	<b>42</b>	<b>41</b>	<b>41</b>	<b>58</b>	<b>40</b>	<b>38</b>	<b>41</b>	<b>58</b>	<b>47</b>	<b>45</b>	<b>44</b>	<b>61</b>

